

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўриклаш хизмати  
томонидан жисмоний ва юридик шахсларга кўриклаш  
хизматини кўрсатиш бўйича**

**ШАРТНОМА**

Жиззах шаҳри

№ 01-22/ 131-сон

2022 йил « 01 » январь

Жиззах вилояти Кўриклаш бошкармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи бошлиғи полковник О.А.Амиров (кейинги ўринларда "Ижрочи" деб юритилади) бир томондан, Жиззах вилояти Перинатал маркази номидан шартнома асосан фаолият юритувчи бош врач Н.М.Шодмонов (кейинги ўринларда Буюртмачи" деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда «Томонлар» деб юритилади, мазкур шартномани қуйидагилар хақида туздилар:

**1 боб. Шартнома предмети**

1. Ижрочи Миллий гвардия кўриклаш хизмати, ҳарбийлаштирилган ва соқчилик кўриклаши кўринишида техник кўриклаш пунктдан (кейинга ўринларда ТҚП деб юритилади) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкани кўриклаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**2 боб. Умумий шартлар.**

2. Буюртмачи Жиззах шаҳри, Бунёдкор маҳалласида жойлашган Жиззах вилояти Перинатал марказининг наркотик моддалар сақлаш хонаси (кейинги ўринларда объект деб юритилади)ни ҳар куни 8 соат, соат 22-00 дан 06-00 гача, наркотик моддалар сақлаш хонасини ҳар куни 6 соат, соат 24-00 дан 06-00 гача, Ғазнахона 1-кават ҳар куни 6 соат, соат 24-00 дан 06-00 гача, Ғазнахона 2-кават ҳар куни 6 соат, соат 24-00 дан 06-00 гача, наркотик моддалар сақлаш хонасини 2-кават ҳар куни 8 соат, соат 24-00 дан 08-00 гача, ТҚП ва ҚЁОС воситалари билан кўриклаш учун Ижрочига топширади, Ижрочи қабул қилади.

3. Объектнинг кўриклаш чегаралари (иморатлари, қурилмалари), постларнинг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4. Объектдаги кириш-чиқиш, ички объект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланган кириш-чиқиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур шартномага илова қилиниб унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5. Объектнинг техник кўриклаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник кўриклаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиққан ҳоллар бундан мустасно. Объектнинг ёнғиндан кўриклаш ва ҳавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6. Объектнинг кўриклашда Буюртмачи билан келишилган ҳолда соқчи итлардан фойдаланиш мумкин.

7. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, объектда 90 иш куни ичида Миллий гвардия хизмати кўриклаш тури йўлга қўйилади. Объектда соқчилик кўриклаш тури ва ҳарбийлаштирилган кўриклаш объектга 30 иш куни ичида йўлга қўйилади.

8. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармаганда Ижрочи қўйилмайди, қўйилган ижрочи эса чақириб олинади.

**3 боб. Тўловларни амалга ошириш.**

9. Мазкур Шартнома асосида кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда қуйидагича ҳисобланади:

Пост-соат ҳисобида кўриклаш хизмати ойига 4 703 196 (тўрт миллион етти юз уч минг бир юз тўқсон олти) сўм бўлади.

Ижрочи балансида турган соқчи итни сақлаш учун ойига 00 сўм, 12 ойга 00 сўм бўлади.

10. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш конун ҳужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда қайта кўриб чиқилади.

11. Буюртмачи мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб, 3 кун ичида мазкур Шартнома баҳосининг 15 фоизи микдорида аванс тўловини амалга оширади.

Ижрочи томонидан Буюртмачига бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома такдим қилинганда сўнг Буюртмачи 5 кун ичида аванс тўловини чиқариб ташлаган ҳолда ойлик тўловини амалга оширади.

Буюртмачи бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчиси бўлса, ойлик тўловнинг 100 фоизи микдорида аванс тўловини кейинги ой бошланишидан 10 кун олдин амалга оширади.

12. Хўжалик юритувчи субъект ҳисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган ойлик тўловни (аванс тўловини) ўз вақтида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига ақцептсиз тўлов талабномасини такдим қилишга ҳақлидир.

Мазкур шартнома бекор қилинган ҳолларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китобни амалга ошириши зарур.

**4 боб. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.**

13. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ижрочидан белгиланган кўриклаш тартибига риоя этишни талаб қилиш;

хизмат кўрсатиш жараёнида Ижрочининг ходимлари томонидан интизомни бузиш ҳолатларини тўхтатиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича керакли чоралар кўрилишини Ижрочидан талаб қилиш;

Ижрочининг хизматни ташкил қилиши ва амалга оширишини, кўриклаш турларига мос бўлган кийим бош, кийим бош анжомлари (экипировкаси), курул-аслаҳаларининг мавжудлигини назорат қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича Ижрочининг вакили иштирокида икки нусхадан далолатнома тузиш;

Ижрочининг айби билан йўл қўйилган камчиликлар аниқланган тақдирда, ижрочидан уларни бартараф этишни талаб қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни ундириш.

#### 14. Буюртмачининг мажбуриятлари:

мазкур Шарноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 20 \_\_\_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги кўздан кечириш далолатномасига асосан кўриклашга топшириладиган объектни, алоҳида хоналарни техник мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз ҳисобидан техник кўриклаш воситалари (объектнинг турига қараб пост қурилмалари ва уни иситиш ускуналари, постлараро алоқа, ички ва шаҳар телефонлари, ёнгиндан кўриклаш сигнализацияси, объект периметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, қулфлар, турникет, кузатиш майдончаси, шахсий текшириш хоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини сақлаш хоналари, ёнгин учирувчи воситалар ва бошқалар) билан жиҳозлаш ва зарур ҳолларда уларни таъмирлаш;

ҳар қандай моддий қимматликларни объект ҳудудининг девор тўсиғидан 10 метр узоқликда (объект жойлашувини ҳисобга олган ҳолда) жойлаштириш;

Ижрочи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техник мустаҳкамлигини, кўриклашнинг техник воситалар билан таъминланганлигини, шу жумладан ёнгиндан кўриклаш сигнализацияси ҳолатини текшириш кўригини ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда Томонларнинг вакиллари иштирокида далолатнома тузиш;

Белгиланган кўриклаш режими талабларини бажариш ва техник кўриклаш воситаларининг тегишли ҳолатини таъминлаш;

бинода режалаштириладиган капитал таъмирлаш ишлари, объектларни қайта жиҳозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий қимматликларни сақлаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини очиш, объект ёки унинг бир қисмини бошқа шахсларга ижарага бериш ёки мулк ҳуқуқини ўтказиш, кўриклаш турини, постлар дислокациясини ўзгартириш ёки қўшимча кўриклаш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши ҳақида Ижрочини бундай ишларнинг бошланишидан камида 20 кун олдин огоҳлантириш;

объектда иш қуни якунида кўриклаш сигнализациясини ёкиш, унинг носозлиги ҳолатида бу ҳақда Ижрочини огоҳлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга қадар объектни ташлаб кетмаслик ва белгиланган тартибда кўриклашга топшириш. Объект кўриклашга топширилган ҳақида ТҚПни хабардор қилиб, 5 дақиқадан сўнг объектнинг кўриклашга қабул қилинганлиги ҳақида ишонч ҳосил қилиш;

объектнинг, ёнгиндан кўриклаш сигнализацияси билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хонани кундалик кўриклашга топшириш, эшиклар қулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентиляция тешиклари ёпилганлигини ҳамда автоном кўриклаш сигнализациясини ва ҳудуднинг ёритилиш ҳолатини текшириш, кўрикланадиган биноларда электр жиҳозларининг, бошқа ёнгин манбаларининг ёқилган ҳолда қолиб кетишининг олдини олиш ва бегона шахсларнинг объектда қолишига йўл қўймастик;

кўрикланаётган ҳудудда бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки кадокланган ҳолатда қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда кўриклашга топшириш;

махсус журналда ўз вакиллари томонидан имзо қўйиш йўли билан объектларни, алоҳида хоналарни кўриклашга топшириш, кўриклаш тугагандан сўнг кўриклашдан чиқариш;

кўрикланадиган хоналарнинг бутлиги бузилганлиги ҳақида ёки объектга бегона шахсларнинг кириши натижасида зарар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан Ижрочини хабардор қилиш ва объектга Ижрочи вакили етиб келгунга қадар кўрсатилган жойларнинг даҳлсизлигини таъминлаш;

бегона шахсларга кўриклаш ва сигнализация тамойиллари ва тизимини, шунингдек берилган пулт рақамларини ошкор қилмаслик;

Ижрочи вакиллари объектдаги ички тартиб ва техника хавфсизлиги қоидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришга оид қисми билан таништириш.

#### 15. Ижрочининг ҳуқуқлари:

Буюртмачидан объектда ўрнатилган кириш-чиқиш ва ички тартибга риоя қилинишини талаб қилиш;

Мазкур шарномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

Кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган кўриклаш техника воситаларини жорий қилиш бўйича Буюртмачига тавсиялар бериш.

#### 16. Ижрочининг мажбуриятлари:

Объектда постлар дислокациясига (патрул маршрутига) мувофиқ кўриклаш нарядини жорий қилиш;

Мазкур шартномада ва унинг иловаларига мувофиқ объектни ҳамда кўриклашга топширилган моддий қимматликларни кўриклашни ташкил этиш ва таъминлаш;

кўрикланаётган ҳудуддаги лекин бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки кадокланган ҳолатини текшириб, қайта ҳисоб китоб асосида қабул қилиш-

топшириш журналида рўйхатдан ўтказган холда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган холда қабул қилиб олиш;

объектда кириш-чиқиш ва объект ички тартибига риоя этиш, объект худудига белгиланган тартибда моддий кимматликлар олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилиш;

пропуск режими мавжуд бўлган объектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктидан бир марталик кириш рухсатномаси билан объектга киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;

объектни қўриқлаш вақтида жойдаги ёнгин хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишини таъминлаш;

объектда ёнгин чиқиши ёки ёнгиндан қўриқлаш сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳолатида зудлик билан ёнгин бўлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;

объектга бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аниқланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чақириш ва объектнинг дахлсизлигини таъминлаш;

ёнгиндан қўриқлаш сигнализацияси ишлаб кетган ҳолатларда сигнализациянинг ишлаб кетиш сабабларини аниқлаш ва объектни қайта топшириш учун Буюртмачи вакилини чақириш, текшириш натижалари ва объектни қайта топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш;

ижрочининг ходимлари томонидан хизматни ташкил қилиш ва амалга ошириш, қўриқлаш турларига мос бўлган кийим бош, кийим бош анжомлари (экипировкаси), курул аслахаларининг мавжудлигини таъминлаш;

объектни қўриқлашга қабул қилганда ва топширишда объектдаги техник мустаҳкамлик бўйича ва қўриқлашнинг техник воситалари билан боғлиқ аниқланган барча камчиликлар ҳақида Буюртмачини хабардор қилиш;

Буюртмачи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техник мустаҳкамланганлигини, қўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнгиндан қўриқлаш сигнализациясини текшириш кўригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари ҳамда Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган холда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхадан далолатнома тузиш.

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талабларининг ҳар бир бузилиши бўйича Ижрочи ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини Ижрочининг раҳбариятига тегишли чоралар қўрилиши учун бериш;

қўриқланаётган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган зарар тўғрисида Миллий гвардия қўриқлаш хизмати навбатчилик қисмига ва Буюртмачига зудлик билан хабар бериш, Миллий гвардия қўриқлаш хизмати вакили етиб келгунга қадар ходиса юз берган жойнинг дахлсизлигини таъминлаш.

#### **5 боб. Томонлар жавобгарлиги.**

17. Мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўланмаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоиз миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

18. Ижрочининг ходими постда ва патруль йўналишларида бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

19. Пеня тўлаш буюртмачи ва ижрочини ўз мажбуриятларини бузиши оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

20. Ижрочи мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

Ижрочининг айби билан зарар етказилганлиги аниқланган ҳолларда зарар тўлиқ миқдорда қопланади.

21. Ижрочининг айби билан етказилган зарарнинг миқдорини аниқлаш учун томонлар вакилларида иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда зарар миқдори тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштириб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда зарар миқдори суднинг қарори билан аниқланади.

22. Қуйидаги ҳолларда Ижрочи зарарни қопламайди:

Ижрочи шартномада кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажарган бўлишига қарамастан, зарар учинчи шахсларнинг жиноий ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг қонуний қарорига кирган қарори, билан тасдиқланса.

Қабул қилиш-топшириш журналида қайд қилинмаган мулкка зарар етказилганда.

Буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан зарар етказилганида.

23. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка (жарима, пеня) тўлаш ҳамда зарарни қоплаш томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

#### **6 боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби.**

24. Мазкур Шартномани тузиш, бажариш, ўзгартирилиши ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Иктисодий суд томонидан қўриб чиқилади.

#### **7 боб. Форс-мажор.**

25. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун агар ушбу бажармаслик шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муаян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса жавобгарликдан озод қилинади.

26. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатига ҳавола қилувчи томон бошқа томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичида хабар бермаган томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер кимираши ва бошқа табиий халокатлар, шунингдек, эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига беvosита таъсир кўрсатган қарорлари киради.

27. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

#### 8 боб. Яқуний қондалар.

28. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилари билан тузилганда газначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

29. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийдир.

Томонлар мазкур Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи томондан рад жапвоби олганидан кейингина ёки 30 кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

30. Шартноманинг амал қилиш муддати қуйидагича белгиланади:

хўжалик юритувчи субъектлар бўйича-Томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб номуайян муддатга амал қилади.

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари бўйича белгиланган тартибда газначилик бўлимларидан рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб йилнинг 31 декабрь куни охиригача.

Буюртмачи хўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Ижрочига шартнома муддати тугашидан 30 кун олдин маълум қилмаса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга шу шартларда узайтирилган ҳисобланади.

31. Агар техник кўриклаш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиққан, капитал ёки жорий таъмирлашни талаб қилса, бироқ Буюртмачи буни рад этса Ижрочи Буюртмачига 7 кун олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида объектларни кўриклашни рад этиши мумкин. (эслатма: тоифаланган ва банк объектлари бундан мустасно)

32. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган тўловини белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи мазкур Шартномани Буюртмачини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

33. Ижрочи кетма-кет уч марта пост ва патруль йўналишларида кўриклаш тартибини бузса, Буюртмачи мазкур Шартномани Ижрочини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

34. Томонлар мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида 30 кун олдин ёзма равишда маълум қилади.

35. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномага қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

#### 9. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари.

Ижрочи:

Буюртмачи:

Жиззах вилоят Кўриклаш бошқармаси

Жиззах вилояти Перинатал маркази

Юридик манзили: Жиззах шаҳри Сайилжойи кўчаси 5-уй.

Банк маълумотлари: Марказий банк Жиззах вилоят бош бошқармаси

X/P 21596000600567049001

МФО: 00018

СТИР: 202383751

ОКОНХ: 97920

Бошлиғи  
полковник:



О.А.Амиров

« 01 » январь 2022 йил

Юридик манзили: Жиззах шаҳри, Бунёдкор маҳалласи

Банк маълумотлари: Марказий Банк

Тошкент ВВ НКК М

X/P 100021862284217073310089001

МФО: 00014

СТИР: 202342784

КТУТ: 86710

Газначилик бўлинмасининг номи

Узб. Республикаси Перинатал Маркази

ЯҒХ 1340200300100001010

Банк номи: Марказий Банк

Тошкент ВВ НКК М

МФО 00014

Газначилик бўлинмасининг

СТИР 202342784



Бош варағи

Н.М.Шодмонов



Ҳуқуқшунос:

С.А.Эргашев

« 01 » январь 2022 йил

(Илова №-1)

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Жиззах вилояти Қўриқлаш бошқармаси  
бошлиғи дошқовник

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Жиззах вилоят Перинатал маркази  
бош враччи

О.А.Амиров

Н.М.Шодмонов

" 21 " 2022 йил

2022 йил



Жиззах вилоят Перинатал маркази маъмурий биносини техник қўриқлаш пункти хизмати орқали, Жиззах вилояти Қўриқлаш бошқармаси томонидан қўриқлаш буйича

ХИСОБ - СМЕТАСИ

№	Объект номи	Объектнинг жойлашган манзили	Қўриқлаш тури	Штат бирлиги	ҚЕСТ воситаларинг сони	Хизмат итлари сони	Қўриқлаш вақти (соат)			Бир йилга жами қўриқлаш соати	Қўриқлаш хизматининг нархи	
							Иш кунлари	Шанба кунлари	Якшанба ва байрам кунлари		Бир соат учун	Ўртача бир ойга
1	Н ва ПМС хонаси		ТҚП				8	8	8	2920	6256	1522293
2	Н ва ПМС хонаси		ТҚП				6	6	6	2190	3754	685105
3	Ғазнахона 1-кават		ТҚП				6	6	6	2190	3754	685105
4	Ғазнахона 3-кават		ТҚП				6	6	6	2190	3754	685105
5	Н ва ПМС хонаси 2-кават	Жиззах шаҳри Ёшлик маҳалласи	ТҚП				8	8	8	2920	3754	913473
6	ҚЕСТ воситалари учун				5						29547	147735
7	Uzmobile SIM 1				5						6350	31750
8	Ucell SIM 1				5						6526	32630
	Жами											4 703 196

Қўриқлаш хизмати учун бир ойлик тўлов миқдори:

4 703 196 (тўрт миллион етти юз уч минг бир юз тўқсон олти) сўм

788

Бош ҳисобчи:

Handwritten signature

Бош ҳисобчи: